



ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 17
(888)
2024 йил
18 апрель,
Пайшанба

«ЯШИЛ МАКОН»

келажак ва ёш авлод олдидағи масъулиятимиздир



МАТБУОТНИ
БҮЙСУНДИРИШ
НЕГА КЕРАК БҮЛДИ?



... Бироқ, инсон деганинг ҳаммаси ҳам сабр-тоқатли бўлавермас экан. Ичида шундайлари борки, уларнинг очкўзлигини ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Нафслари нақд ўпқоннинг ўзи. Айнан ана шундайлари келиб, онамизнинг қўлларини қайириб, ҳаттоқи синдириб, бизни хомлигимиздаёқ териб, пуллаш учун қоп-қоп қилиб, бозорга олиб чиқадилар...

ДОВЧАЛАРНИНГ
АЧЧИҚ
НИДОСИ





giz Deutsche Gesellschaft
für Internationale
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH
DEUTSCHE ZUSAMMENARBEIT

Мухофаза этиладиган табий ҳудудлар моддий-техника воситалари билан таъминланади

Тошкентда Экология вазирлиги хузуридаги мухофаза этиладиган табий ҳудудлар департаменти ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ) вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда мамлакатимизнинг мухофаза этиладиган табий ҳудудлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича келишувга эришилди.

ГИЗ шартномалари доирасида МЕТҲларга 2 та ноутбук, 4 та тунда кўриш учун мўлжалланган дурбин, 1 та фотоаппарат, 10 та рация, 4 та сунъий йўлдош телефони, 4 та симсиз зарядлаш воситаси, 2 та бензин генератори, 2 та мотор насоси, 2 та чодир, 2 та сув ва мебель ташиш учун тиркама берилади. Шунингдек, ташкилот томонидан Судоче-Акпетки давлат кўриқхонасида 2 та қуёш батареяси ва 40 та йўл белгилари ўрнатилади.

Ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба куни “Автомобилсиз кун” бўлади



Энди Тошкент шаҳрида ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба куни «Автомобилсиз кун» сифатида ўтказилди. Бу Ўзбекистон Президентининг жорий йил 21-февралдаги 37-сон Фармонига асосан амалга оширилди.

Автомобилсиз ҳаракатланишни тарғиб қилишдан кўзланган асосий мақсад, энг аввали, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, атроф-муҳитни автомобиллардан чиқувчи заарали газлардан ҳимоя қилиш, катта шаҳарларда автомобил тирбандлигини камайтириш, жамоат транспорти тизимини ривожлаштириш масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратиш ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи эканлигини таъкидлашдир.

«Бутунжаҳон автомобилсиз кун» (World Carfree Day) ҳар йили 22-сентябрда дунёning 50 га яқин мамлакатидаги 2 мингдан ортиқ шаҳар, жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Бразилия, Канада каби давлатларнинг пойтахт ва йирик шаҳарларида ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, Франция (Париж), Индонезия (Жакарта) ва Руанда (Кигали) каби мамлакатларнинг пойтахтларида «автомобилсиз кун» тадбири мунтазам равишда ташкил этилади.

Тошкент шаҳрида давлат идоралари раҳбарлари ва ходимларининг жамоат транспортидан фойдаланиши орқали ойда бир кун давомида шаҳарда юрадиган автотранспорт воситалари сони ўртача 200 минг (22-25 фоиз)га камаяди. Натижада атмосфера ҳавосига автомобиллардан заарали ташламалар ҳам 22-25 фоизга (ўртача 580 тоннага) қисқарди ҳамда шаҳар ичида тирбандликлар камайишига эришилди.

Тошкент шаҳрида жойлашган барча республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва бошқа ходимлари иш жойига жамоат транспортида келиши орқали намуна кўрсатиб боради. Табиийки, Экология вазирлиги раҳбарияти ва ходимлари ҳам.

Бу 2024-йилнинг 24-апрель, 22-май, 26-июн, 24-июл, 28-август, 25-сентябрь, 23-октябрь, 27-ноябрь ва 25-декабрь кунларига тўғри келади.

Бугунги кунда экологик тоза жамоат транспорти – электробусларни кенг жорий этиш, метронинг янги линияларини ишга тушириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, велойўлаклар ҳам қурилиб ишга туширилмоқда. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, фақат жамоат транспортини ривожлантирибгина шаҳарда автомобил тирбандлиги муаммолини ҳал қилиш мумкин.

“Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳаси атрофида ҳаммани бирлаштира олсан, атроф-муҳитни мухофаза қилиш борасида сезиларли қадам қўйилган бўларди. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни ушбу лойиҳада фаол иштирок этишга чорлаб қоламиз!



Соҳа ходимлари тақдирланди

Экология, атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига “Халқаро ўрмонлар куни”, “Бутунжаҳон сув куни” ва “Бутунжаҳон метеорология куни” муносабати билан тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбирда Экология, атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда вазирликнинг тизим ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

“Соҳада узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган фидоий устозлар, ҳамкасларимиз билан учрашиб турганимдан жуда мамнунман. Экологияни яхшилаш, табиат ресурсларини мухофаза қилиш, иқлим ўзгариши муаммоларига қарши курашишда сизнинг меҳнатингиз муҳим аҳамиятга эга, — деди Экология вазири Азиз Абдуҳакимов. — Барчангизни касб байрамларингиз билан самимий табриклайман. Экология ҳақида қайғурадиган, умрини ўз касбига багишлаган сиздек ходимлар сони кўпаяверсин”.

Тадбирда соҳа ходимларининг масъулиятли, шарафли меҳнатлари алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ўрмонларни кўпайтириш, сувни асрар, метеорология соҳасини ривожлантириш буғунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлиги таъкидланди. “Халқаро ўрмонлар куни” муносабати билан 15 нафар, “Бутунжаҳон сув куни” муносабати билан 11 нафар, “Бутунжаҳон метеорология куни” муносабати билан эса 16 нафар ходим сертификат ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

Маросим давомида санъаткорлар ижросида куй-қўшиклар янгради.



Экология, атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати



«ЯШИЛ МАКОН»

келажак ва ёш авлод олдидаги масъулиятимиздир

Дараҳт ва буталарнинг инсон ҳётидаги аҳамияти
қанчалик муҳимлиги барчамизга яхши аён.
Кўкка бўй чўзиб турган салобатли дов-дараҳтлар,
кўкаламзор жойлар кўзни яшинатиши билан бирга,
ҳаво мусаффолигини ҳам таъминлайди. Яшаётган
маконни яшилликка буркаш, боғу бўстонлар
барпо қилиш инсон ҳётини бокийликка даҳлдор қиласди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда иқлим ўзгаришларига миллий ечим сифатидаги ноёб лойиҳа бўлди, десак янгишмаган бўламиз. Зеро, ушбу лойиҳа замирида автомобил ва турли русумдаги машиналар, логистика ва техника воситалари қуршовида қолган маконга асл табиатни тухфа этиш, кўчат экиш ва боғ яратиш ётади.

Лойиҳага кўра, ҳар йили 200 миллион туп дараҳт ва бута кўчатларининг экилиши БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битими доирасида 2030 йилгача узок муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси иқлим ўзгаришига қарши кураш чора ва ҳаракатларни кучайтириш борасида олган халқаро мажбуриятнинг амалий ечими-дир.

Президентимиз раислигига шу йил 29 марта куни “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқариши ни такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, йўллар ва каналлар бўйидаги ерларни талаборларга тўғридан-тўғри шартнома асосида 10 йилга бериб, 5 қатордан кўчат эктириш тизимини ҳозирги мавсумда амалга ошириш орқали кўплаб дараҳтзорлар яратиш, бу йил топшириладиган 2,5 мингта кўп қаватли уйлар худудининг 30 фоизида, 38 та “Янги Ўзбекистон” масивларининг ҳар бирида камидан 1 гектардан яшил хиёбонлар ташкил қилиниши белгиланди. Шунингдек, ижтимоий муассасаларга 4 миллиондан зиёд кўчатлар бепул етказиб берилади.

Боиси, яшил масканлар, истироҳат боғлари қанча кўп бўлса, аҳоли уларда шунча мароқли ҳордик чиқаради. Охирги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлашти-

риш, яшил майдонларни кенгайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани сабаби ҳам шунда. Биргина 2023 йилнинг кўчат экиш мавсумида 200 миллиондан ортиқ дараҳт ва бута кўчатлари экилди. Сўнгги беш йилда эса Орол денгизининг қуриган тубида кариб 2 миллион гектардан ортиқ майдонда қурғоқчиликка ва шўрга чидамли ўсимлик кўчатлари экилди ёки уруглари сепилди.

Ушбу жараёнда депутатлик корпуси вакиллари ҳам ўз хиссаларини кўшиб келмоқда. Жумладан, жорий йил 4 март куни Ўзбекистон Экологик партияси фаоллари ҳамда унинг Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Оролбўйи худудида ўрмонзорлар барпо этишга хисса кўшиш, шунингдек, долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишга кенг жамоатчилик эътиборини каратиш максадида Қоракалпогистон Республикасининг Мўйнок туманида “Парламентнинг Оролга нигоҳи” мавзусида ҳайрия ҳашари ташкил этилди.

Сирасини айтганда, сўнгги йилларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар кенг кулоч ёди. Чунки катта йўллар четига ўн қатордан дараҳт экиш ташабуси шовқинни ютиш баробарида, автотранспортлардан чиқаётган заҳарли газларни ҳам тозалаб беради. Дараҳтнинг шу каби хусусиятлари, унинг табиатдаги ўрни қончалик муҳим эканини билган киши ушбу лойиҳанинг аҳамиятини юрак-юракдан ҳис қиласди.

Ўз навбатида, парламент томонидан соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги бир йил давомида бу бўйича 7 та қонун қабул қилинди. Шундан 3 та қонун лойиҳаси бевосита қуйи палата депутатлари томонидан ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташабуси ҳуқуқи асосида киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексда дараҳтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишига олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсанлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, дараҳтларни қонунга хилоф равища кесганлик, кундаков қилганлик ёки шикастлантирганлик учун маъмурий жазо чоралари кучайтирилиб, бир-бирини такрорловчи нормалар чиқариб ташланди.

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Конунда эса давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равища кесган ёки йўқ қилган шахсларга компенсациявий дараҳт ва бута кўчатларини экиш ҳамда уларни уч йил давомида парвариш қилиш мажбурияти белгиланди. Дараҳтларнинг қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равища кесганлик ёки йўқ қилганлик учун эса юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар жорий этилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. 2023 — 2024 йиллар давомида Конунчилик палатаси мажлисида соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг икки маротаба ҳамда Ўрмон ҳўжалиги агентлиги директорининг бир маротаба ахбороти эштилди. Конунчилик палатаси қўмиталари томонидан ушбу йўналишдаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолати 6 маротаба назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Депутатлар томонидан ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайлов округларига чиқсанларида лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишларнинг моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказиш ҳамда худудларда бу борадаги ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш ишлари ташкил этилмоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чораги давомида депутатлар томонидан ОАВда экология масалалари бўйича 200 га

яқин макола, муносабат ва бошқа ахборот материаллари эълон қилинган.

Шу билан бирга, видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар бу борада парламент назоратини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, қуйи палата томонидан соҳада амалга ошириладиган ишларни самарали ташкил этиш ва назорат-таҳлил тадбирларини кучайтириш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Унда қатор конун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, парламент назорати тадбирларини ўтказиш, жойларда ўрганишлар ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Шаҳарсозликка доир конун ҳужжатларига кўкаламзорлаштириш борасидаги мажбуриятни киритиш, броконъерликка қарши жавобгарликни янада кучайтириш, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Конуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш шулар жумласига киради.

Бу борада “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан бирга, амалга оширилаётган ишлар устидан самарали ва таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатамиз. Зеро, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга содиқлик тимсоли сифатида мамлакатимиз ҳудудини боғу-бўстонга айлантиришга йўналтирилган лойиҳа доирасида дараҳт экиш тадбирларида фаол иштирок этиш орқали Янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёти учун ўз хиссизни кўшган бўламиз.

Ишончим комилки, мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дараҳт экиш ишларини амалга ошириш шаҳарларимиз, маҳаллаларимизга файз бағишловчи яшилликка бурканган янги яшил худудлар барпо этилишига турткни бериши билан бирга, юртимиз иқлимини мўътадил сақлашга, пировардида табиатни асрар, аҳоли саломатлигини яхшилаш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Хайрулло ФАФФОРОВ,
Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари



Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ва жамоат фонди ўз фаолиятини 2023 йилги иш режаси асосида олиб борди.

Парламент комиссиясининг 2023 йил 22 февралдаги итифоилишида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг асосий кўрсаткичлари ва тақсимоти масаласи қўриб чиқилиб, маблағлар устувор равишда аниқ натижага йўналтирилган бюджет тамойили асосида ижтимоий шериклик соҳаларида жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳамда таъсирчан ташабbusларни қўллаб-куватлаш йўналишларини молиялаштиришга қаратилди.

Давлат бюджетидан ажратилган жами 226 млрд. 490 млн. сўм маблағларни давлат субсидияси, ижтимоий буюртмаси ҳамда гранти шакли миқдорида молиялаштириш йўналишларида тақсимлаш тўғрисида Парламент комиссиясининг қарори қабул қилинди.

I. Давлат субсидиясига ажратилган маблағлар

38 та ННТ устав фаолияти ва йиллик иш режаси ижросига хусусан:

■ “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси” мазмун-моҳиятини ахолининг турли қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, хориждаги “акл марказ”ларига етказиш, ёшлар салоҳиятини юксалтириш, жамиятда жамоатчилик назоратини кучайтиришга;

■ иқтидорли ёшларни қўллаб-куватлаш, ахолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ҳамда бағрикенгликни мустаҳкамлашга;

■ ННТ фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни ислоҳотларга даҳлдорлиги ва ижросига кенг жалб қилиш, ННТ вакилларининг касбий малакасини оширишга;

■ ногиронлиги бўлган шахсларни уюштириш, уларга маънавий-маърифий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга;

■ фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кенг ёритиш, жамиятда маърифий ишларнинг даражасини юксалтириш, ўқув қўлланма ва маҳсус адабиётлар билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда худудий жамоат фондларига Савдо-саноат палатасининг худудий бўлинмалари ва 136 та миллий маданий марказларга қўшимча давлат субсидияси шаклида маблағлар ажратилди. Шу билан

ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАР,



Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ва жамоат фонди ўз фаолиятини 2023 йилги иш режаси асосида олиб борди.

Парламент комиссиясининг 2023 йил 22 февралдаги итифоилишида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг асосий кўрсаткичлари ва тақсимоти масаласи қўриб чиқилиб, маблағлар устувор равишда аниқ натижага йўналтирилган бюджет тамойили асосида ижтимоий шериклик соҳаларида жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳамда таъсирчан ташабbusларни қўллаб-куватлаш йўналишларини молиялаштиришга қаратилди.

Бирга, давлат бюджетидан қўшимча равишида “Нуроний” жамғармаси ва Прогрессив ислоҳотлар марказига ҳам маблағ давлат субсидияси шаклида ажратилди.

Ажратилган маблағлар натижасида жами 40 та давлат субсидия олувишлар дастурларни амалга ошириш жараёнига 46 038 нафар қўнгиллилар жалб этилди, амалга оширилган ишлар бўйича 36 687 та материаллар ОАВда эълон қилинди, 326 799 та тарқатма материаллар ишлаб чиқилди, давлат субсидиясini амалга ошириш доирасида 3 015 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Ташкилотлар томонидан 25,3 млрд. сўм ҳомийлик маблағлар жалб этилди. 12 429 та тадбир ўтказилиб, уларда 5 411 345 нафар фуқаро қамраб олинди. Фуқаролик жамияти институтларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 4,2 млрд. сўмлик 149 та асосий воситалар сотиб олинди.

II. Давлат грантларига ажратилган маблағлар

Давлат грантлари таълим сифатини ошириш, маънавий муҳитини соғломлаштириш, радикаллашув, мутаассиблик ва ёт гоялар таъсирига қарши курашиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш, соғлиқни сақлаш, экология соҳаларида 6 та танлов дастури ишлаб чиқилди.

Танловга келиб тушган 1109 та лойиҳадан 200 та лойиҳалар 18 млрд. сўмга молиялаштирилди.

1. “Жамият ва оиласда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш” мавзусидаги давлат гранти танловига келиб тушган лойиҳалар сони — 236 та, молиялаштирилган лойиҳалар сони — 46 та,

ажратилган маблағ — 4 млрд. сўм;

2. “Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этишга қўмаклашиш” мавзусидаги давлат гранти танловига келиб тушган лойиҳалар сони — 192 та, молиялаштирилган лойиҳалар сони — 45 та, молиялаштирилган маблағ — 4 млрд. сўм;

3. “Аҳолининг ҳуқуқий онги ва мулокот маданиятини юксалтириш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фоаллигини ошириш” мавзусидаги давлат гранти танловига келиб тушган лойиҳалар сони — 185 та, молиялаштирилган лойиҳалар сони — 33 та, ажратилган маблағ — 3 млрд. сўм;

4. “Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш” мавзусидаги давлат гранти танловига келиб тушган лойиҳалар сони — 210 та, молиялаштирилган лойиҳалар сони — 34 та, молиялаштирилган маблағ — 3 млрд. сўм;

5. “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда” шиори остида фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳаларини қўллаб-куватлаш” мавзусидаги давлат грантининг танловига келиб тушган лойиҳалар сони — 178 та, молиялаштирилган лойиҳалар сони — 34 та, молиялаштирилган маблағ — 3 млрд. сўм;

6. “Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш, шунингдек жамият бошқарувида мазкур институтлар иштирокини кенгайтириш” мавзусидаги қўшимча давлат гранти танловига келиб тушган лойиҳалар сони — 108 та, молиялаштирилган лойиҳалар сони — 8 тани, молиялаштирилган маблағ — 1 млрд. сўмни ташкил этиди.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида 11 724 та тадбирлар ташкил этилган ва уларда 2 231 750 нафар фуқаро қамраб олинган ҳамда 535 нафар қўнгилли жалб этилган. 7 503 нафар фуқарога ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ёрдам, 65 769 нафар фуқаронинг билим ва қўнікмалари оширилган ва қасбга ўқитилган, 9 536 нафар фуқарони бандлиги таъминланган ҳамда 260 та фуқарога кредит ажратилишига ёрдам кўрсатилган. Шу билан бирга, 5 060 нафар фуқаро санъат ва китобхонликка жалб этилган. 400 нафар фуқарога маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилган, 390 нафар ногиронлиги бўлган шахслар спортнинг паралимпия турига ва 8 532 нафар фуқаро соғлом турмуш тарзига жалб этилган. 420 нафар нуронийларни фоаллигини ошириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган. 19 та Workout ва спорт майдончаси ташкил этилиб 1 700 нафар фуқаро

жалб этилган ва 14 та маҳаллани ободонлаштирилган, шу жумладан 12 та чиқинди контейнерлари, 20 та сим ёғочлар, 2 165 та турли хилдаги қўчатлар экилган. 35 та иссиқ хоналар ташкил этилган ва 103 нафар ахоли бандлиги, 40 та асалари уйлари 20 та кам таъминланган оилаларга тарқатилган. 12 та кутубхона, ва 120 та ўкув курслари ва тўгараклар ташкил қилинган унга 20 852 нафар ёшлар ва хотин-қизлар жалб этилган. 125 та брайл ёзувли китоблар чоп этилган. 45 та аудио китоблар жамланмаси шакллантирилган. 6 054 нафар фуқаро ичимлик суви билан таъминланган. 63 910 та тарқатма материаллар ишлаб чиқилган.

III. Давлат ижтимоий буюртмасига ажратилган маблағлар

Давлат органларининг таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, курилиш, коммунал ҳўяжалиги, камбағалликни қисқартириш ва бандлик каби соҳалардаги 11 та ижтимоий буюртмалари очик танловлар эълон қилинди. Танловларга ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 66 та лойиҳалар келиб тушди. Натижаларга кўра 11 та давлат ижтимоий буюртмаси 18,5 млрд сўмга молиялаштирилди.

Ажратилган маблағлар натижасида лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида Хоразм ва Жиззах вилоятининг 20 та узоқ маҳалласида 1740 нафар хотин-қизларнинг касбий қўнікмаси оширилди. Шундан жами бандлиги таъминлаганлар сони 725 та ни ташкил этди. Зўравонликдан жабрланган, оғир ижтимоий аҳволда қолган, ўз жонига қасд қилиш ҳолати юқори бўлган худудларда 11 000 дан ортиқ шахсларга психологик ёрдамлар кўрсатилди. 30 та болалар боғчасида замонавий кутубхона ташкил этилди, 50 минг нусхада турли форматдаги расмли, дидактик қўлланмалар ва ўкув куроллари билан таъминланди. 300 дан ортиқ ёшлар инновацион гоялар танловига жалб этилди ва 15 та стартап гоялари қўллаб-куватланди. 24 та маҳаллада маҳсус чиқиндиҳоналар ташкил этилди. Зомин тумани “Бешкуби ҚФЙ худудидаги “Ингичка” ва “Толли” қишлоқларини 6 612 нафар ахолисини, шу билан бирга 44 ва 71-мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга эришилди.

Аҳолининг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсадида “Виртуал маданият маркази” платформаси virtualmadaniyat.uz номи билан ишлаб чиқилди.

Нақшбандия тариқатининг 12 та

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

пирига оид зиёратгоҳлар тӯғрисида 5 та тилда 10 000 дона тарқатма маминаллар тайёрланди.

Кўқон шахрининг туғруқ комплекси қошида Репродуктив саломатлик маркази ташкил этилди. Марказ 3D, 4D УЗИ аппаратлари, маммограф ва чақалоқлар учун сипап аппаратлари ва оиласий поликлиника учун замонавий тиббий анжомлар билан таъминланди.

Парламент комиссияси ва жамоат фонди томонидан худудий лойиха ва дастурларни шакллантиришда, маблағлар тақсимотида услубий раҳбарлик қилиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг худудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлигини йўлга кўйиш ҳамда улар хузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишга кўмак берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутат-

маблағларни мақсадли ва манзилли тақсимлаш, уларни худудлардаги долзарб муаммолар ечимига йўналтириш ва бошқа масалалар юзасидан давра сұхбати ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда май-июн ойларида худудларда Ногиронлар жамиятининг 221 та худудий бўлинмалари, Кўзи ожизлар жамиятининг 218 та бўлинмалари, Карлар жамиятининг 14 та бўлинмаси, Ногиронлар ассоциациясининг 14 та бўлинмаси, Савдо саноат палатасининг 14 та бўлинмаси ва 136 та миллий маданий марказлари билан субсидия маблағларидан саварали фойдаланиш бўйича услубий ёрдам кўрсатилди.

Миллий маданий марказлар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари ва ассоциацияларига маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан давлат субсидияси ажратишининг хукуқий асосини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Парламент комиссияси ва Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди томонидан амалга оширилган тадбирлар.

казлари раҳбарлари иштирокида 2 маротаба Қонунчилик палатасида субсидия доирасида амалга ошириладиган ишлар бўйича ишчи йифилиш ўтказилди.

Парламент комиссияси томонидан Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти тизимида “Бир сафда” ОАВ мурожаати кўриб чиқилиб, Жамоат фондининг дастур ва лойиҳалар якунига кўра қайтарилган заҳира маблағлари хисобидан 90 млн. сўм моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратилди.

29 август куни Ёшлар ижод саройида Парламент комиссияси, Жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёшлар парламенти томонидан масъул вазирлик ва идораларнинг ННТлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъуллар иштирокида ёшлар масалаларига оид давлат ижтимоий буюртмаларини ННТлар томонидан ўзлаштирилишига бағишланган давра сұхбати ташкил этилди.

2023 йил 8 ноябрь куни Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди томонидан Давлат бошқаруви академиясида 75 нафар ННТлар учун давлат томонидан ННТларни кўллаб-қувватлаш мавзусида давра сұхбати ташкил этилди. 3 август куни Парламент комиссиясининг навбатдаги йифилиши бўлиб ўтди. Унда давлат субсидияси олувчи ташкилотларнинг 2023 йилнинг биринчи ярим йилликда амалга оширган ишлари юзасидан хисоботлари кўриб чиқилди. 28 ноябрь куни Озарбайжон Республикаси Администрацияси хузуридаги Но давлат ташкилотларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш агентлиги ва Парламент комиссияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, “Озарбайжон — Ўзбекистон нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлик форуми” тақдимоти ўтказилди.

Парламент комиссиясининг 2023 йил 15 ва 21 декабрь кунлари бўлиб ўтган йифилишларида давлат субсидияси олувчи ташкилотларнинг 2023 йил давомида амалга оширган ишлари юзасидан хисоботлари кўриб чиқилди. Ўтган йил давомида Парламент комиссиясининг 19 маротаба йифилиши ўтказилган, йифилишларда 90 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилган.

Ягона интегратор Ўзинфоком томонидан онлайн платформанинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди ва Ўзинфоком ўртасида соҳани рақамлаштириш бўйича шартнома

имзоланган.

Ўзинфоком томонидан онлайн платформанинг бош саҳифаси, меню модуллари ва уларнинг ички субмодуллари, платформани бошқарув панеллари, фуқаролик жамияти институтлари учун алоҳида кабинет саҳифалари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда, онлайн платформа тест режимида ишга тушган. Унда платформанинг асосий модуллар ва бўлимларидан фойдаланиш мумкин.

Соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ишлаб чиқилаётган онлайн платформани тўлиқ автоматлаштириш мақсадида Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди ва Ўзинфоком тегишли давлат органлари жумладан, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Камбагалликни қискартириш ва бандлик вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Давлат солик қўмитаси, Рақамли хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази билан ҳамкорликни ўрнатди. Натижада фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан кўллаб-кувватлашга доир ҳужжатларни интеграциялаш орқали маълумотлар алмашинуви ўйлга кўйилмоқда.

Парламент комиссияси ва жамоат фонди томонидан соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар натижалари ҳақида турли шаклларда ҳалқчил ахборот маҳсулотларини тайёрлаш ва кенг жамоатчилик эътиборига етказиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан ишлар олиб борилди. 2023 йил давомида амалга оширилаётган ислоҳотлар, молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар натижалари ҳақида турли шакллардаги жами 3950 та ҳалқчил ахборот маҳсулотлари тайёрланиб, босма ва электрон ОАВ, ижтимоий тармоқларда ёритилди.

2023 йил давомида фуқаролик жамияти институтларидан 1727 та турли мурожаатлар (грант ва ижтимоий буюртма ариза билан) келиб тушган. Уларнинг 336 таси ижобий ҳал этилган, 962 таси бўйича тегишли тушунтириш берилган. Қабулда 56 нафар фуқаро қабул қилинган ва тегишли тушунтиришлар берилган.

Маблағларнинг худудларда манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминлаш мақсадида Парламент комиссияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги масъул вакиллари иштирокида ажратилган маблағларнинг худудларда манзилли ва мақсадли сарфланишининг шунингдек уларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги таъминланганлиги ҳолати мониторинг қилинди. Мониторинг натижасида 35 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан жами 1 млрд. 645,4 млн. сўм маблағ мақсадсиз ва нотўғри ишлатилганлиги сабабли кайтаилди.

Зўравонликдан жабрланган, оғир ижтимоий аҳволда қолган, ўз жонига қасд қилиш ҳолати юқори бўлган худудларда 11 000 дан ортиқ шахсларга психологияк ёрдамлар кўрсатилди. 30 та болалар боғчасида замонавий кутубхона ташкил этилди, 50 минг нусхада турли форматдаги расмли, дидактик қўлланмалар ва ўқув куроллари билан таъминланди.

лари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларига, маҳаллий жамоат фондларига “ZOOM” платформаси орқали 12 маротаба худудий лойиҳа ва дастурларни шакллантиришда, маблағлар тақсимотида услубий ёрдам кўрсатилди.

ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини грантлари ва ижтимоий буюртмаларига иштирокини кенгайтириш бўйича 40 дан ортиқ “маҳорат дарслари” ўтказилди. Ушбу тадбирларга 3 000 га яқин ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қатнашди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котибиятлари, Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари билан ҳамкорликда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-кувватлашга ажратилаётган

Матбуотни бўйсундириш НЕГА керак бўлди?

Тарихчи олима Доно Зиёева “Туркистон миллий озодлик ҳаракати” китобида эрк, истиқлол кураши ҳақидаги ҳаққоний ахборотлар, мулоҳазалар, тасаввурларга барҳам бериш учун ОАВга нисбатан босим ўтказилгани, хусусан партия назорати баҳонасида цензура ўрнатилганини ёзди. Бу масалани чуқурроқ ўрганиш, моҳиятига киришга ҳаракат қилдик.

Маълумки, Туркистонда миллий озодлик ҳаракатини бостириш даврида большевиклар қизил армия матбуотини ташкил этиш ва ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратади. Бу большевиклар ахборот беришнинг, манипулятив таъсир кўрсатишнинг турли усусларидан унумли фойдаланишгани, матбуотни кучли мафкуравий курол сифатида қўллай билишгани, ОАВни ўз вақтидаға разли мақсадлари йўлида оммавий сафарбар эта олишганини кўрсатади. Олим П.Агапов ички ва ташки аксилинқиlobий кучларга қарши энг мураккаб ва қийин даврда оммавий равиша қизил армия нашрлари ташкил этила бошланади, деб ёзди. Ички аксилинқиlobий кучлар дейилганда Туркистон озодлиги учун қўлига курол олган аждодларимиз ҳақида гап кетаётганини зукко газетхонга эслатмасак ҳам бўлади.

Кизил армиянинг марказий, фронт ва миллий газеталари учун умумий характер касб этувчи қуйидаги асосий вазифалар ҳукмрон куч томонидан белгилаб берилади:

нашрларнинг армияда кучли мафкуравий курол сифатида таъсир этиши;

газеталар ҳарбий қисм командирларига ишончли ёрдамчи бўлиши;

ОАВ ҳарбий комиссарлар олиб бораётган ғоявий ишларда кўмакчи бўлиши;

нашрлар партия ташкилотларининг мафкура билан боғлиқ ишларида фаол кўмакчи бўлиши.

Мазкур вазифалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. П.Агаповнинг фикрича, 1919 йил РКП (б) саккизинчи съездининг тарихий қарори бунда муҳим роль ўйнади. Яъни ҳарбий масалаларга бағишинган қурултойда “Партияний ва совет матбуоти” номли тарихий қарор қабул қилинади ҳамда ОАВ учун аниқ вазифалар белгилаб берилади. Туркистонда айнан ҳарбий матбуотни бу даврда янада ривожлантиришда 1919 йилнинг 14-31 март кунлари бўлиб ўтган иккичи ўлка партия конференцияси, 1919 йил 24-30 май кунлари ўтказилган мусулмон коммунистларининг

биринчи ўлка конференцияси ва 1919 йил 1-15 июнь кунлари ўтказилган КПТнинг учинчи съездиде қарорлари муҳим ўрин тутди. Яъни РКП (б) саккизинчи съездининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Туркистонда қизиллар шундай “машваратлар” ўтказади. Хўш, партияга ОАВ жиловини тутқазган қарорда нималар белгиланган эди? Бунга жавобни РКП (б) саккизинчи съездиде қарорининг 4-бандидаги вазифалар орқали жавоб бериш мумкин. Жумладан, ОАВ га нисбатан назоратни кучайтириш мақсадида қўйдагилар белгиланган эди:


а) партияний ва совет газеталари мухаррирларига таҳририятдаги барча ишларни олиб боришга қодир энг масъулиятли, энг тажрибали партия ходимларини тайинлаш;

б) партия қўмиталари таҳририяларга умумий сиёсий директивалар ва кўрсатмалар бериши ва уларнинг бажарилишини назорат қилиши, бунда таҳририятнинг кундалик майда-чўйда ишларига аралашмаслиги керак;

в) оператив ва ҳарбий-ташкилий характердаги масалалар доирасида қатъий ҳарбий цензура жорий этилиши керак.

Мазкур талаблардан мустабид тузумнинг мақсадини англаш қийин эмас. Аввало бу ОАВни тўлиқ партиянинг назоратига ўтказиш, дегани. Жамиятда соғлом фикрни, сўз эркинлигини бўғиши сари жиддий қадам ташланганди. Ҳукмрон коммунистик мафкура манбаатларига матбуотни зўра-вонларча бўйсундириш шу тариқа амалга оша бошлади. Бу сиёсатни Туркистон билан боғлаб айтадиган бўлсақ, “енгини шимарib олган” қизил армия сиёсий бўлимлари, партия ташкилотларининг мафкура, тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, аҳоли, кенг жамоатчилик онгига совет ҳокимияти мафкураси, гоясини чуқурроқ сингдириш, энг муҳими, ижтимоий фикрни миллий озодлик учун курашдан чалгитиш мақсадида оммавий равиша қизил армия нашрларини ташкил эта бошлади. Табиийки, назорати, цензурасини ҳам ўз қўлларига олишади.

Тарғибот ва ташвиқот масаласида П.Агапов диссертацияси авторефератидаги маълумотларга эътиборни қаратсан, саволга янада аниқроқ жавоб топилгандек бўлади. Тадқиқотчининг келтиришича, қизил армиянинг “Красный фронт” газетаси 1919 йил 26 май сонида



таҳририят аъзоларини

тияга содик кишилар билан алмаштириш ҳақида кўрсатма берди, деб ёзди Д.Зиёева. Тарихчи олиманинг фикрига эътибор қаратадиган бўлсақ, қарор қабул қилинганидан уч йил ўтиб, ижроси бўйича кескин чоралар кўлланилган, деган хуласа келиб чиқади. Демак, матбуот партия чизган чизигидан боришга мажбур қилинди. Синалган усул кўлланилди. Натижада советларга қарши Туркистонда олиб борилган миллий озодлик ҳаракати ҳақида мутлақо соҳта тасаввурлар ОАВ ёрдамида шакллантирилди.

Махаллий коммунистлар Туркистонда армиянинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, партияний-сиёсий аппаратни кучайтириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилишди. Туркестублика инқиlobий кенгаши ҳузурида сиёсий бўлимлар, фронтларда эса инқиlobий кенгашлар ташкил этилди. Мазкур бўлим ва кенгашлар эса ўз навбатида тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, аҳоли, кенг жамоатчилик онгига совет ҳокимияти мафкураси, гоясини чуқурроқ сингдириш, энг муҳими, ижтимоий фикрни миллий озодлик учун курашдан чалгитиш мақсадида оммавий равиша қизил армия нашрларини ташкил эта бошлади. Табиийки, назорати, цензурасини ҳам ўз қўлларига олишади.

Тарғибот ва ташвиқот масаласида П.Агапов диссертацияси авторефератидаги маълумотларга эътиборни қаратсан, саволга янада аниқроқ жавоб топилгандек бўлади. Тадқиқотчининг келтиришича, қизил армиянинг “Красный фронт” газетаси 1919 йил 26 май сонида

Келтириб ўтилган мисоллардан ҳам кўриниб турибди, миллий озодлик ҳаракати авж олган даврда Туркистон худудида чоп этилган ҳарбий нашрлар партия чизиги берган қизил чизикдан оғишмаган ҳолда, ҳукмрон мафкуранинг маҳаллий халқ қалбida алган озодлик туйғуларини сўндириш, топташ ва тарихий хотирани ўчиришга қаратилган дастёрига айланади.

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети, Ҳарбий ва спорт журналистикаси кафедраси
мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент



ДОВЧАЛАРНИНГ АЧЧИК НИДОСИ

Эндиғина дунёга келган тариқдек довча ҳозиргина кўзи очилган тенгдошларига арзи-ҳол қилди:

— Сизларни билмадиму аммо, мен довча бўлиб туғилганимдан пушаймонман.

— Нега? — ажабланди бошқалар.

— Бирорга оғирлигинг тушяптими?

Оғирлигим тушса, бизни бағрида эъзозлаб улғайтираётган онамизга тушади, — деди довча хўрсиниб. — Лекин, у киши буни ҳеч қайси биримизга таъна қилаётганлари йўқ.

— Тўғри, — қориндошининг фикрини қувватлади иккинчи довча, — онамиз бизга жуда-жуда ғамхўр, меҳрибон, ҳаммамизни ҳам жондан азиз қўрадилар. — Шунинг учун ҳам бўрону тўфон дейсанми, чанг-тўзону қор-ёмғир дейсанми, ҳамма-ҳаммасидан асрашга қалқон бўлиб турадилар. Бунинг учун онамиз билан ҳар қанча фаҳрлансан арзиди. Илоҳим, дард кўрмасинлар, ҳамиша омон бўлсинлар!

— Менинг ҳам тилагим шундай, — қўшилди учинчи довча, — аммо, бу осон эмас. Онамиз бизни катта қилгунларига қадар озмунча азоб чекадиларми? Агар, шуни назарда тутаётган бўлсанг, она қадрини фарзандлик мухаббати илиа англай бошлабсан. Тасанно, сенга!

— Бизни бу ёруғ оламга келтирган онамизни бутун вужудимиз билан севишини у кишининг ўзларидан ўрганганман. — Чунки, онамиз туну-кун ўз оналари — Момо Ерга таъзим қилиб турганларида, биз фарзандлик бурчимизни адо этмасак уят бўлмайдими? Ахир, бу ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз-ку! — Бу барчамизнинг дилимиздаги гап, — баралла деди қўшни шоҳдаги довчалардан бири. — Агар, биз бир ёқадан бош чиқарсан, қудратли куч бўлмаз. Қудратли фарзандлар Онасини асрашга қодир бўлади!

— Менинг ўзим ҳам шундай фикрдаман, — деди ҳаётга келганидан афсусланган довча, — бироқ, биздан минг-минг баробар қудратли бир куч борки, биз унинг олдидаги ожизмиз. Ҳатто, бутун боғ довчалари бирлашсан ҳам унга бас келолмаймиз.

— Нима экан, ўша биздан қудратлироқ куч? — безовта чулдирашди барча шоҳлардаги довчалар, — билсан бўлаудими?

— Нима эмас, ким.

— Хўш, ким экан ўша қудратли куч?

— Инсон!

— Инс-о-он?!

— Ҳа, инсон!

— Унга онамизнинг ҳам кучлари етмайдими?

— Афсуски, шундай.

— Агар, қўшни довчаларнинг оналари ҳам қўшилсалар-чи?

— Ўшанда ҳам унга тенг келиб бўлмайди. Чунки, у дунёдаги энг қудратли куч.

— Ўша, инсон деганингнинг биз билан нима иши бор?

— Чунки, биз ўша инсон учун яралганимиз. Агар, ҳар биримиз Аллоҳ берган умрни яшаб, пишиб-етилсан, чиройли ва асалдек ширин бўламиз. Ўшандагина бизни тановул қилган инсон яйрайди, дардларига даво топади. Бироқ, инсон деганинг ҳаммаси ҳам сабр-тоқатли бўлавермас экан. Ичидан шундайлари борки, уларнинг очқўзлигини ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Нафслари нақд ўқёнининг ўзи. Айнан ана шундайлари келиб, онамизнинг қўлларини қайриб, ҳатто ки синдириб, бизни хомлигимизда ёқ териб, пуллаш учун қоп-қоп қилиб, бозорга олиб чиқадилар. Тошкентнинг “Олой”, “Юнусобод”, “Фарҳод”, “Миробод”, “Қўйлик” деган кўпдан-кўп дехқон бозорлари пештахталарида қаторлаштириб қўйилган катта-катта тоғораларга тикилиб, жонимизни ҳовучлаб, одамларнинг қўзларига мўлтиллаб турдимиз. Қани энди бирор “ҳа довчабойлар, қалайсизлар?” деса. Демайди. Олиб сотар опамиз бўлса, “свежий довча бор, свежий. Ҳозир келди. Стакани саккиз минг. Олиб қолинг!”, деда сайрагани-сайраган. Қани энди, бирор қайрилиб қараса. Ҳеч бўлмаса, бир стакангина оладиган мард йўғ-а. Олиб сотар опамиз эса пулимга кўймай деб, нуқул устимизга сув пуркагани-пуркаган. Лекин, бу жонимизни оро киролмайди. Борган сайин қорайиб, сув шимишга ҳам ҳолимиз келмай қолади. Шунда опамиз бирдан нархимизни тушириб юборади. Ё тавба, олти минг сўм бўлсан ҳам ҳеч ким олмайди-я. Опамизнинг ахволини қўрсангиз, биздан ҳам баттар. Аммо, баривир алам қилас экан. На солиқчи, на бошқа бир назоратчи бизни пуллаётганларга “нега довчани узиди келдингиз, ахир бу табиатга хиёнат-ку” демайди-я. Ҳаммагинаси ўзининг чўнтаги билан жигилдонини ўйлайди. Биз бўлсан, уч-тўрт кун ўтиб, бутунлай қорайиб, коп ва тоғораларда моғорлай бошлаймиз. Ана шунда опамиз бизни кўтарганча бозорнинг ахлат кутисига югуради. Ўша ерда кўз юмамиз. Мана сизга инсоннинг табиат мўъжизасига ғамхўрлиги. Биз довчаларни пишишга қўймай, тонна-тонна қилиб ахлатга ташлаш жиноят

эмасми? Жиноятнинг жиловини тортадиганлар бизнинг бу аянчли ахволимизни кўришмаяптими? Наҳотки, довча кушандаларнинг мушугини пишт дейдиган одам бўлмаса?

— Пишт деб кўрсинг-чи, онасини қайси кўргонда кўрар экан?!

— Шунинг учун ҳам биз хору-зор эканмиз-да.

— Бу қанчалик аччик бўлмасин, ҳақиқат!

...Баҳор қуёши нурларидан баҳра олиб, манаман деб, диркиллаб турган довчалар кўзларни яшнатар, гўёки осмондаги ғуж-ғуж юлдузлар ўрикзорга тушиб, довчаларга айланиб қолгандек эди. Уларга ҳаваси келган қароқчилар довчалардан узуб, карсиллатиб ея бошлаган эдилар ҳамки, қолганлари фарёд солди:

— Амакижонлар, илтимос, бизга шафқат қилинглар, узманглар! Кўриб турибсизлар, хали ғўрмиз. Пишганимиздан кейин, нима қилсангизлар қилаверинглар. Лекин, ҳозир тегманлар, илтимос амакижонлар, илтимос! Ахир, биз кўпчиликнинг ризқи-насибасимиз. Элни баҳраманд этиб, элнинг дуосини олгимиз келади. Илтимос, амакижонлар, бизни хомлайн узманглар, уз...

Амакижонлар довчаларга шафқат қилмайдилар. Илтижоларига қулоқ тутмайдилар. Уларни ҳовуч-ҳовуч узиди, халталарига сола бошлайдилар. Буларнинг ҳаммасини кўриб, юрак-бағри эзилиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкиб турган она дараҳтнинг ич-ичидан олам-жаҳонни тутадиган нидо келади:

— Эй, ғаламис, баднафс, очқўзлар! Бир зум тўхтаб, менга қулоқ тутинг! Кўриб турибман, сизларни бу қабиҳликдан болаларимнинг оху-ноласи қайтара олмади. Чунки, сизлар шафқат нималигини билмайсизлар. Бир вақтлар ўзларингиз хам дунёга келганда “довча” бўлганингизни унутиб юборгансизлар, шекилли. Биламан, сизларга менинг ҳам кучим етмайди. Сизларни бу очофатликдан факат имон, инсоф, виждан қайтариши мумкин. Лекин, инсонни инсон қилиб кўрсатадиган бу туйгуларни афсуски, сизларда кўрмадим. Бўлганида минг-минглаб одамлар баҳраманд бўладиган мевамизни ҳазон қилиб, бозорга қоплаб хомлайн олиб чиқмаган ва ўзингизга ҳам буормай ахлатга ташлаб юбормаган бўлур эдингизлар. Сизларнинг бу шафқат-сизлигингизни кўриб, ҳазрати инсоннинг “Табиат бизнинг онамиз, онамизни асройлик!” деганига кулишимни ҳам, куишимни ҳам билмай қолдим. Ҳайф сизга, ИНСОН деган улуғ ном!

Нуриддин ОЧИЛОВ

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бошмухаррир Максад ҶОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида сахифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1015.
Пайшана куни чикади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига
2006 йил 0010-ракам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
Боғишиамол кўчаси, 7-йй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@mail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотлардан манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Мактаб — инсон камолоти шаклланадиган муқаддас даргоҳ. Мурғак қалбларга катта орзулар, юксак мақсадлар, интилишларни сингдирадиган маскан ҳам айнан мактаб хисобланади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида туб ижодий ўзгаришлар, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Юнусобод туманидаги 5-мактабга ташрифи чогида биз буни яна бир бор хис қилдик.

Давлатимиз раҳбарининг замонавий мактабларни ташкил этишига оид қарорида рейтинг тизимини яратиш вазифаси қўйилган эди. Шу асосда Ofsted тажрибасини ўрганиб ва жаҳон банки экспертларини жалб қилган ҳолда ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан ҳамкорликда “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар ва улар асосида умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш мезонлари ҳамда методикаси” ишлаб чиқилди.

Талаблар асосий 4 та соҳа, 11 та бўлим ва 38 та мезонга бўлинган бўлиб, умумий ўрта таълим муассасалари тўплаши мумкин бўлган жами 1000 балл деб белгиланган. Ҳар бир мезон алоҳида индекс сифатида ҳисбланиб якунда тўпланган баллга



қараб муассасалар рейтинги тузилади. Белгиланган мезонлар асосида 2023 йил ноябрь ойида Оҳангарон шаҳридаги 4-умумтаълим мактабининг фаолияти ўрганиб чиқилди. Унга кўра мактаб 2-даражали “Замонавий мактаб” мақомини қўлга

киритди. Рус тилига ихтисослаштирилган мазкур мактабнинг “Замонавий мактаб” мақомини олишида албатта, жамоанинг фидокорона меҳнати, ўқитувчи-педаголарнинг жонкуярлиги, ўз касбига бўлган эътиоди ва садоқати, янгича изланишлари муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, изланувчан, ташабbusларга мойил педагогик жамоани қўллаб-кувватловчи ҳамкор ташкилотлар ҳам топилди. Бу борада мактабга яқиндан ҳомийлик ёрдами кўрсатган “Оҳангаронцемент” АЖнинг хизматларини алоҳида айтиш жоиз. Айнан уларнинг ёрдами билан мактабдаги 2 та физика ва кимё хоналари замонавий ўкув услубларига мос равишда жихозланди. Бундан ташқари касбга йўналтириш борасида ИТ соҳасининг мавжудлиги, тикув машиналарининг ўрнатилганлиги, ўкувчи ва ўқитувчиларнинг фан олимпиадаларида, спорт соҳасида эришган ютуқлари мактабнинг юкори балл олишида муҳим омил бўлди.

Таълим даргоҳининг ана шундай даражага эришишида иқтидорли ўкувчиларнинг ва маҳоратли педагогларнинг ҳиссаси катта. Ўтган 2023 йилда мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси Зулхумор Нурмаматова “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритиб, Республика босқичида рагбатлантирувчи ўринга сазовор

бўлди. Жорий ўкув йилида Зулхумор Нурмаматованинг шогирдлари вилоят олимпиадасида фаол иштирок этишди. Ўкувчилардан Нозима Абдуғофурова ва Ёрбек Мўйдинов юкори ўринларга лойиқ топилди. Беш ташабbus доирасида мактаб ўкувчиси Екатерина Иванова спортнинг таэквандо йўналиши бўйича вилоят мусобақасида иштирок этиб фахрли 3-ўрин соҳибасига айланди.

Айни дамда мактабда 51 нафар педагог 1065 нафар ўкувчига сабоқ беришади. Шуниси дикқатга сазоворки, мактабда иқтидорли, тажрибали муаллимлар анчагина. 7 нафар олий ва 6 нафар 1-тоифали ўқитувчиларнинг самарали меҳнат қилаётганлиги ҳам ана шундан далолатдир. Ўтган йили мактабни 31 нафар ўкувчи битирган бўлса, уларнинг 22 нафари олий таълим муассасаларига кириб таҳсил олишмоқда.

Бугунги кунда мактабда таълим сифатини тубдан яхшилаш йўлида тинимсиз меҳнат қилингани. Бу борада маҳалла ва жамоатчилик, хукуқ-тартибот органлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилганлиги яхши самара келтиримоқда. Бу каби ҳамкорлик алоқалари албатта, таълим сифатини, ўкувчиларнинг баркамоллик дараҷасини янада яхшилашга яқиндан ёрдам беради.

Ашурали БОЙМУРОД

ХИВА ҲАЙРАТИ



Иchan қалъа давлат музей-кўриқхонаси Тош ҳовли тарихий-меъморий мажмуасида иш бошлаган фотосуратлар кўргазмасида япониялик тажрибали, ўз маҳорат мактабига эга бўлган фотоижодкор Жин Акино томонидан тасвирга олинган, тарихий шаҳарнинг ноёб кўринишлари акс эттирилган суратлар ўрин олган.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида музей ходимлари, шунингдек, маҳаллий ва хорижлик, жумладан япониялик сайёхлар иштирок этишди. Музей-кўриқхона илмий котиби, тарих фанлари номзоди Комилжон Худойберганов, музей-кўриқхона матбуот котиби Отабек Исмоилов ва бошқалар суратлар муаллифи ва иштирокчиларни кутлаб, эзгу тилаклар билдириш баробарида, Жин Акинога ижодий ютуқлар тиладилар. Унинг қадимий

Хиванинг бир асрлик музейига эътибори ва ушбу кўргазма ҳалқларимиз ўртасидаги дўстлик ва бирдамликнинг ифодаси эканини алоҳида таъкидлашди.

Жин Акино ҳам сўз олиб Хивага — тарихий қалъага меҳри бекиёслиги, кўргазмадан жой олган суратлар ҳам ана шу меҳр ва ҳайратлар ифодаси эканини қайд этиб, ўз миннатдорчилигини билдири.



Тантанали тадбир ташкилотчиларига вилоят қўғирчоқ театри жамоаси томонидан концерт дастури намойиш этилди. Шундан сўнг қарсаклар остида кўргазма эшигига тортилган тасма кирқилиб, меҳмонлар намойишга таклиф этилди.

Кўргазмадан жой олган суратлар ва видеоролик сайёхларга катта таассурот бағишиламоқда.

О.ИСМОИЛОВ